

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА
 ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИНИНГ
 ҚАРОРИ

229 Янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 19 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2009-1

Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сон «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 январдаги ПҚ-1051-сон «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2015 йил 7 январдаги ПҚ-2282-сон «2015 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши дастури ва 2016 йилги қурилишнинг асосий параметрлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2009 йил 16 августдаги 2009-21, 83, 01-02/8-14, 5-сон қарори (рўйхат рақами 2009, 2009 йил 19 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 39-сон, 428-модда) билан тасдиқланган Янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 16 май,
2016-12-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 16 май,
31-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

З. ДУСАНОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 16 май,
01-02/8-37-сон

**Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси**

Б. ЗАКИРОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 16 май,
2-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги,
Давлат божхона қўмитаси ва Давлат
архитектура ва қурилиш қўмитасининг
2016 йил 16 майдаги 2016-12, 31,
01-02/8-37 ва 2-сон қарорига
ИЛОВА

**Янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган
таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари томонидан солиқ ва
божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга
кiritилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбек тилидаги матннинг I боб номидаги «қисм» деган сўз «қоидалар» деган сўз билан алмаштирилсин.
2. 1-бандда:
биринчи хатбошидаги «2014» рақами «2017» рақами билан алмаштирилсин;
ўзбек тилидаги матннинг иккинчи хатбошисидаги «фондларига» деган сўз «жамғармаларига» деган сўз билан алмаштирилсин.
3. 6-банд қўйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:
«Бунда, янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари ҳисобланган микрофирма ва кичик корхоналар томонидан солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш учун ариза тақдим этилмайди.».
4. 2-илова «М.Ў.» деган қисқартмадан кейин «(муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.